



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАНЖИРИДА АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Исмоилова Гулчиroy Толлибой қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти.

Тошкент, Ўзбекистон. gulchiroy836@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a8

Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва саноат усулида чуқур қайта ишлаш занжирида агросаноат кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги; қулай агробизнес муҳити; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, бирламчи ва чуқур қайта ишлаш, қўшилган қиймат занжири, вертикал ва горизонтал интеграция, агросаноат кластерлари, кластер ядроси, қайта ишлаш саноати, фермер хўжалиги.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы развития и совершенствования организационно-экономических механизмов агропромышленных кластеров в цепочке производства, глубокой промышленной переработки и реализации сельскохозяйственной продукции.

Ключевые слова: продовольственное обеспечение, продовольственная безопасность, первичная и глубокая переработка, цепочка добавленной стоимости, вертикальная и горизонтальная интеграция, агропромышленный кластер, ядро кластера, обрабатывающая промышленность, фермерское хозяйство.

Abstract

The article deals with the development and improvement of the organizational and economic mechanisms of agro-industrial clusters in the chain of production, deep industrial processing and sale of agricultural products.

Keywords: food supply, food security, primary and deep processing, value chain, vertical and horizontal integration, agro-industrial cluster, cluster core, processing industry, farming.

Кириш

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш занжирида қулай агробизнес муҳитини шакллантириш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида фермер хўжаликларининг қайта ишлаш саноати корхоналари билан чуқур ҳамкорлигини таъминлашга асосланган "агросаноат кластерлари"ни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” да белгиланганидек, қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Маҳсулотларни даладан якуний истеъмолчигача етказиб бериш, яъни йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сертификатлаш занжирида интеграцион алоқаларнинг етарли тараққий этмаганлиги юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини чекламоқда. Бундан ташқари, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида 70 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари етарли ривожланмаган” [1].

Мазкур Стратегияда минтақавий қишлоқ хўжалиги кластерларини яратиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг қайта ишлаш саноати корхоналари (шу жумладан кластерлар) билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш вазибалари белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам мева-сабзавот, шолчилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирилиши зарурлиги” таъкидлаб ўтилган [2].

Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, саноат кўламида чуқур қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш занжирида агросаноат кластерларини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Тадқиқотларга кўра кластерлар, жумладан агросаноат кластерларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш юзасидан бир қатор хорижлик ва мамлакатимиз олимлари илмий изланишлар олиб боришган. Даставвал “кластер” тушунчасининг иқтисодий мазмунига тўхталиб ўтсак. Илмий адабиётларни ўрганиш бу борада турли ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Википедияга кўра “кластер” атамаси (инглиз тилидан cluster - тўпланиш, гуруҳ, даста) маълум хусусиятларга эга ҳамда мустақил бирлик сифатида қараш мумкин бўлган бир хил тусдаги бир нечта элементларнинг ягона мақсад йўлида бирлашуви, тўпланиши ҳамда гуруҳ маъноларида ишлатилади [3].

Гарчи бу борадаги илмий изланишларнинг тамал тоши XVIII-асрларга бориб тақалсада, айнан “кластер” атамаси иқтисодий категория сифатида XX-асрнинг 80-йилларида Майкл Портер томонидан киритилган. Майкл Портерга кўра “кластер – географик нуқтаи-назардан бир жойда тўпланган ўзаро боғлиқ компаниялар (ишлаб чиқарувчилар, хомашё етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ҳамда уларнинг фаолиятига алоқадор ташкилотлар (илмий тадқиқот муассасалари, технопарклар, тармоқ бирлашмалари) гуруҳи бўлиб, ўзаро чамбарчас боғланган тармоқларнинг ягона технологик занжирини ташкил этувчи интеграцион тузилмалар ҳисобланади. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам ўзаро ҳамкорликда” [4].

“Кластер” назариясини ўрганиш жаҳон ҳамжамиятида тез суръатларда оммалашиб бормоқда ва уни амалиётда қўллаш эса, миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишига айланиб бормоқда. Кейинги йилларда бу соҳада тадқиқотлар кўлами кенгайиб, мазмунан бойиб бормоқда. Жумладан, Европа

Комиссиясининг Корхоналар бош директорати (Enterprise Directorate General) томонидан кластер атамасига қўйидагича таъриф берилади: “кластер деганда мустақил компаниялар гуруҳи ва улар билан боғлиқ ташкилотлар назарда тутилиб, улар: биринчидан, рақобатлашади ва ҳамкорлик қилади; иккинчидан, географик жиҳатдан бир/бир нечта ҳудудда тўпланган; учинчидан, аниқ бир фаолият соҳасига ихтисослашган ҳамда ягона кўникмалар ва технологиялар билан боғланган; тўртинчидан, институционал тузилмага эга (бошқарув органи мавжуд) ёки эга эмас [5].

Л.С.Марковнинг фикрича “кластер деганда ягона технологик жараёнга бирлашган хилма-хил иқтисодий тизимларнинг кенг гуруҳи тушунилади [6].

Т.А.Зубованинг илмий тадқиқотларида агросаноат кластерларининг бошқалардан ажралиб турадиган қўйидаги хусусиятлари очиб берилган: ишлаб чиқаришнинг ҳудудий (географик) жиҳатдан туташ жойлашуви; кластер иштирокчиларининг бир ёки бир нечта маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашуви (бу меҳнат унумдорлигини ошишига, инновацияларни фаол жорий этишга, ахборот, тажриба ва билим билан тезкор алмашинувга олиб келади); кластер ичида рақобатни бошқариш мумкинлиги; бир кластер доирасида турли тармоққа мансуб корхоналар фаолият кўрсатиши эвазига “кўлам самараси”ни таъминлаш имконияти [7].

А.В.Глотко агросаноат мажмуидаги агрокластерни “ушбу тизимда маълум даражада ўзаро алоқа қилиш маданиятига эга бўлган боғлиқлик билан, иштирокчиларининг умумий иқтисодий манфаатларини амалга оширувчи ва технологик занжир тамойили асосида ташкил этилган ҳудудий жиҳатдан алоҳида инновацион йўналтирилган интеграцион тузилма” тарзида таърифлаган [8].

Кластерлар устида илмий тадқиқотлар олиб борган рус олими А.А.Настин томонидан агрокластернинг моҳияти қўйидагича изоҳланган: “агрокластер бир вақтда ва ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқариш вазифаларини бирлашиб ҳал қилиш мақсадида географик жиҳатдан бир жойда жойлашган, ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи, турли мулк эгалари – оилавий ферма, фермерларнинг кооператив корхоналари, ижтимоий ва илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва маслаҳат хизматларидан иборат бозор субъектлари тизими” дан иборат [9].

М.Юсуповга кўра “кластер деганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш технологик тизимида ўзаро уюшган ҳолда фаолият олиб борувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қайта ишлаш саноати корхоналари, сақлаш, логистика ва сотиш инфратузилмаларининг ягона мақсад йўлида бирлашган тузилмасини англатади” [10].

Мазкур назарий таърифларни умумлаштириб, бизнингча **агросаноат кластери** – географик жиҳатдан бир (туташ) ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш, сотиш ҳамда ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш технологик жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган хўжалик юритиш субъектларининг ҳамкорликдаги бирлашмаси, деган фикрдамиз.

Тадқиқот методологияси

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва саноат кўламида чуқур қайта ишлаш занжирида агросаноат кластерларини ривожлантириш соҳасида тадқиқотлар олиб борган олимларнинг илмий ишлари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий

асосларини ташкил этади. Тадқиқотда абстракт ва аналитик мушоҳада, норматив ва позитив таҳлил, қиёсий ва омилли таҳлил, динамик қаторлар, иқтисодий-статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий тадқиқот муассасаларининг ишланмалари ва бошқалардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Портер кластерга хос бешта хусусиятни ажратиб кўрсатади:

1. Кластернинг ядросини ташкил этувчи хўжалик юритиш субъектларининг географик жиҳатдан бир ҳудудда тўпланиши.

2. Бир-бирига ўхшаш иқтисодий фаолият турларида юқори рақобат муҳитининг мавжудлиги.

3. Кластерга кирувчи фирмаларнинг горизонтал ва вертикал жиҳатдан кооперацияси (ўзаро ҳамкорлиги) натижасида ҳудудда тараққий этган инфратузилма шаклланиши.

4. Консолидациялашган маркетинг стратегияси ва бренднинг юзага келиши (умумий ривожланиш стратегияси).

5. Кластернинг тегишли соҳаларида инсон капиталининг “юқори сифати” шаклланиши [11].

Е.Н.Скворцов илмий тадқиқотларида скандинавиялик олимлар Б.Далум, К.Педерсен ва Г.Вилумсенларнинг кластерларни фарқловчи қуйидаги параметрларини келтирган:

география – кластерларнинг ҳажм ва жойлашув бўйича фарқлари;

чуқурлиги – кластерга кирган фирмаларнинг вертикал интеграциясини ривожланиш даражаси;

кенглиги – кластерга кирган фирмаларнинг горизонтал интеграциясини ривожланиш даражаси;

кластерларда илмий тадқиқот институтлари (ИТИ) ва олий таълим муассасаларининг (ОТМ) иштирок этиши – бу параметр кластернинг инновацион характерини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни такомиллаштириш имкониятларини акс эттиради;

кластерларда фирмаларга эгалик қилиш таркиби – кластерда кичик ва ўрта корхоналар, филиаллар ҳамда йирик корхоналар нисбати [12].

Б.Салимов, М.Юсупов ва А.Юсуповларнинг фикрича “кластерларга жамланган корхоналарнинг рақобат курашидаги афзалликлари учта жиҳати билан муҳимдир: ихтисослашув; кооперацион ҳамкорлик; бозордаги ўзгаришларга тез мослашувчанлик” [13].

Кластерга кирган корхоналар ўртасида ўзаро рақобат муҳити мавжуд бўлса-да, шу билан бир вақтнинг ўзида улар ўртасида юқори даражада ҳамкорлик (кооперация) алоқалари ҳам мавжуд. Чунки бунда ишлаб чиқариш жараёни маълум босқичларга ажратилган ва уларнинг ҳар бири учун маълум бир фирма жавобгар ҳисобланади. Бундай ихтисослашувда корхоналар бир-бирларига узвий боғланган бўлади, лекин бу уларнинг ўзаро қарамлигини билдирмайди. Аксинча, ишлаб чиқариш йўналишлари ва шерикларни танлашда тўлиқ мустақиллик таъминланади. Ҳар бир корхона бир-

бирисиз фаолият кўрсатиши қийин бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг бир босқичи билан шуғулланади.

Рақобат соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур олим М.Портернинг АҚШнинг Калифорния ўзум кластери бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари асосида кластернинг аҳамияти ва ҳудудий ривожланишга қўшадиган ҳиссаси келтирилган: “Кластер рақобатга уч йўл билан таъсир кўрсатади: биринчидан, ҳудуддаги корхоналар ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади; иккинчидан, келажакда ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсишига асос бўладиган инновацияларни ҳаракатга келтиради ва учинчидан, кластерни мустаҳкамлайдиган ва кенгайтиришга асос бўладиган янги бизнес соҳа-ларини вужудга келтиради” [11].

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги хомашёсини етиштириш ва саноат усулида чуқур қайта ишлаш технологик занжирида агрокластерларни шакллантириш бир қатор афзалликларга эга:

- кластерлар агросаноат мажмуасини ривожлантиришда драйвер вазифасини ўташи мумкин. Улар юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратиш орқали фирмаларнинг бозордаги рақобат устунлигини шакллантиришга имкон яратади [14];

- кластерлар “Саноат 4.0” концепцияни амалга жорий этишда етакчи механизмлардан бири сифатида катта салоҳиятга эга. Улар технологик жараёнларни жадаллаштириб, бизнесни рақамли трансформациялашувини таъминлайди. Кластер муҳити билимлар алмашинуви, персонал малакасини ошириш, ресурслар билан таъминлаш соҳаларида тармоқлараро интенсив алоқаларни таъминлашга кўмак беради [15];

- кластер доирасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг концентрациялашuvi ҳудудларнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишга тўртки берувчи синергетик самарани юзага келтиради [16];

- кластерда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари ягона технологик занжирга бирлашганлиги сабабли фирмалар орасида ўзоқ муддатли мустаҳкам ва барқарор хўжалик алоқалари шаклланади;

- агрокластерларда меҳнат тақсимоти, ҳудудий ва хўжаликлараро ихтисослашув ҳамда меҳнат кооперацияси кучли ривожланган бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон яратади;

- агрокластерлар доирасида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги инновацияларни амалиётга жорий этиш жадаллашади;

- агрокластерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги асрлар давомида шаклланган ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келган билим, кўникма ва тажрибалардан самарали фойдаланишга имкон яратади;

- агрокластерда якуний маҳсулотни ишлаб чиқарувчи хомашё сифати ва ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини назорат қилишдан манфаатдор бўлиб, бу маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади ва бошқ.

Ривожланган мамлакатларда кластерлар иқтисодийнинг деярли 60 фоизини қамраб олган ва унга дунё иқтисодий тизимининг янги ривожланиш вектори сифатида қаралмоқда. Дунёда кластерлар энг кўп тарқалган мамлакатлар сифатида АҚШ (380

та), Италия (206 та), Буюк Британия (168 та), Ҳиндистон (106 та), Францияни (96 та) келтириш мумкин [17].

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, кластерлар янги иқтисодий ўсиш марказларини яратиш орқали мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш ва рақобатбардошлигини ошириш воситасига айланиши мумкин [18].

Кейинги йилларда республикаимиз агросаноат мажмуида агросаноат кластерлари қўйидаги шаклларда ташкил этилмоқда:

- **муствақил** – тўлиқ циклда (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича) фаолият олиб бориш учун ўзига ажратилган ер майдонларига (плантацияларга) эга агрокластерлар;

- **тайёрлов-қайта ишлаш** – ҳўл ёки қайта ишлаб сотиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бошқа ишлаб чиқарувчилардан (фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқ.) шартнома асосида сотиб олувчи агрокластерлар;

- **аралаш** – маҳсулот етиштириш учун белгиланган тартибда ўзига ажратилган ер майдонларига (плантация) эга ва бир вақтда шартнома асосида маҳсулот етиштирувчилардан (фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, кооперативлар ва бошқалардан) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи кластерлар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда 2022 йил 25 июль ҳолатига республикаимизда жами 463 та агросаноат кластерлари фаолият юритган бўлиб, уларнинг 122 таси (1033,0 минг гектарда) пахта-тўқимачилик, 146 таси (116,1 минг гектарда) мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, 35 таси (43,4 минг гектарда) шолчилик ва 157 таси (1038,0 минг гектарда) дон маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда агросаноат кластерларини тармоқ йўналишлари бўйича туркумланиши [19], (2022 йил 25 июль ҳолатида)

Агросаноат кластерларининг афзаллик томонларидан бири шундаки, бу тизимда бир турдаги маҳсулотни қайта ишлаш жараёнида шаклланадиган қўшимча ва ёндош маҳсулотлардан унумли фойдаланиш эвазига даромад манбаларини кенгайтириш

мумкин. Масалан, Бухоро вилоятида ташкил этилган “BCT CLUSTER” (BUKHARA COTTON TEXTILE CLUSTER) МЧЖ агросаноат кластерида пахта хом ашёсини етиштирувчи хўжалик субъектлари, пахта хомашёсини қабул қилувчи пунктлар ва қайта ишловчи завод, текстиль ва тикувчилик корхоналари, ғўзапояни қайта ишловчи завод, пахта хом ашёсининг иккиламчи маҳсулотларини (линт, момиқ) қайта ишловчи корхоналар, уруғликни қайта ишловчи корхона ҳамда ундан чиққан чиқиндиларни (БГУ) қайта ишловчи заводдан ташқари “Ғиждувон” ЭИХдаги чорвачилик мажмуи доирасида пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган шелуха ва шрот маҳсулотларидан унумли фойдаланган ҳолда ғўшт ва сут етиштириш, шунингдек чигитни қайта ишлаш асосида совун ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳам ягона технологик занжирга боғланган.

Республикамиз ҳудудларида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кластерлар ривожланиши бўйича Самарқанд вилояти етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Самарқанд вилояти Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бош бошқармаси маълумотларига кўра вилоятда мавжуд 13 та мева-сабзавотчилик кластерларида хомашёни қайта ишловчи 15 та корхоналар мавжуд. Мева-сабзавотчилик кластерларир 2020 йилда 413,66 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган 28536 АҚШ доллари қийматида экспортни амалга оширган (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган кластерлар кўрсаткичлари, 2020 й.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кластерлар		
		пахта-тўқимачилик	мева-сабзавотчилик	бошқа йўналишларда
Кластерлар сони	бирлик	10	13	21
Бириктирилган ер майдони	минг га	75,58	21,85	67,65
Кластерлар тасарруфидаги қайта ишлаш корхоналари сони	бирлик	8	15	8
Лойиҳалар сони, жами	бирлик	9	8	4
шу жумладан:				
амалга оширилган	бирлик	5	-	-
амалга оширилаётган	бирлик	4	8	4
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	млрд. сўм	1000,0	413,66	8,82
Экспорт қиймати	минг долл	44200	28536	-
Жалб этилган инвестициялар	млрд. сўм	108,45	323,47	88,0
Кластерларда банд ишчи-ходимлар	киши	2884	2285	458
Яратилган янги иш ўринлари	киши	2018	335	-

Манба: Самарқанд вилояти Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоятдаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган жами фермер хўжалиklarининг 63,5 ва жами фермерлар тасарруфидаги мева-сабзавот экин майдонларининг 58,9 фоизи кластерлар билан қамраб олинган. Вилоят мева-сабзавотчилик кластерларига ажратилган ер майдони ҳажми (21847,3 га) бўйича республикада етакчи ўринни эгаллаган (2-жадвал).

Самарқанд вилоятида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кластерлар сони ва бириктирилган ер майдони, 2020 й.

Кластерлар	Жами майдони, гектар	Шу жумладан:		
		кластерни ўзида, гектар	фермер хўжаликларида	
			сони	гектар
"Булунғур-Сэндвик" МЧЖ ҚК	1847	346	371	1501
"Самарқанд Гарден Пласт" МЧЖ	1523	1314	86	209
"Самарқанд Консерва" АЖ	1150	86,5	158	1063,5
"Дўстбек Оқдарё" Х/К	482	182	165	300
"Агромир" МЧЖ ҚК	3496	-	411	3496
"Навобод Наслли Парранда" фермер хўжалиги	746	120	96	626
"Боғизағон" МЧЖ	906	278	137	628
"Пет Агро Ойл" МЧЖ ҚК	1875	-	469	1875
"Агромир Адас" МЧЖ ҚК	1137	-	175	1137
"Сардор томорқа хизмати" МЧЖ	1952,7	30,7	130	1922
"Ургут Агро-Вет Сервис" МЧЖ	2440	40	192	2400
"Наим Диёрбек кишмиш боғлари" фермер хўжалиги	4036,6	62	230	3974,6
"Файз Баширбек Юксалиш" МЧЖ	256	256	-	-
Жами	21847,3	2715,2	2620	19132,1

Манба: Самарқанд вилояти Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятининг SWOT-таҳлили шуни тасдиқлайдики, гарчи улар интеграциялашмаган фирмаларга қараганда бир қатор афзалликларга эга бўлсада, бу борада маълум бир камчилик ва муаммолар борлигини ҳам эътибордан қочирмаслик жоиз (3-жадвал). Хусусан:

- ишлаб чиқариш йириклашуви оқибатида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг мураккаблашиши ва технологик циклнинг барча босқичларини бирдек самарали назорат қилиш имконияти пасайиши;
- кластерга аъзоликнинг мажбурийлиги, кластерни эркин танлаш имкони йўқлиги;
- бир ҳудуд доирасида барча фермер хўжаликларини битта кластер билан шартнома тузишга мажбурлиги;
- бир ҳудуд доирасида битта кластернинг монопол мавқени эгаллаши ва рақобат муҳитини бўғиши;
- кластерга аъзо фермерлар хўжаликларининг танлов ва тадбиркорлик эркинлиги қисман чегаралаб қўйилиши;
- кластер ядроси бўлган фирма томонидан хомашё етказиб берувчиларга ўз шартларини мажбуран ўтказиш имконияти;
- фойданинг катта қисмини интегратор фирма томонидан ўзлаштирилиши эҳтимоли ва бошқалар.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва саноат усулида қайта ишлашга ихтисослашган кластерларнинг SWOT-таҳлили

Strength - Кучли томонлари	Weakness - Заиф (салбий) томонлари
<ul style="list-style-type: none"> - чуқур ихтисослашув, меҳнат тақси-моти ва кооперациясидан самара; - хомашё етиштириш – чуқур қайта ишлаш жараёнларини ягона интегра-цион занжирга боғлаш орқали ўзаро манфаатли кооперацион алоқалар; - пировард маҳсулот яратиш занжирида қўшилган қийматни ортиб бориши; - трансакцион ва ишлаб чиқариш харажатларини тежалишидан самара; - аъзоларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошликни юксалтиришдан манфаатдорлиги; - ишлаб чиқариш “кўлами самараси”; - қайта ишлаш кохонасига кафолатли хомашё таъминоти ва хомашё етказиб берувчига кафолатли сотиш бозори; - ягона ишлаб чиқариш занжирида йўқотишларнинг камайиши ва чиқитсиз технологияларни қўллаш имконияти; - ягона техник талаблар ва сифат стандартларини жорий этилиши; - ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим интеграцияси орқали инновацион технологиялар жорий этиш жадаллашиши; - ҳудуд ресурс салоҳияти ва инфратузилмаларидан биргаликда фойдаланиш 	<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқариш йириклашуви оқиба-тида бошқарув қарорлари қабул қилиш мураккаблашиши ва самарадорлиги пасайиши; - технологик циклнинг барча босқич-ларини бирдек самарали назорат қилиш имкониятини пасайиши; - кластерга аъзоликнинг мажбурийлиги, кластерни эркин танлаш имкони йўқлиги; - бир ҳудуд доирасида барча фермер хўжаликларини битта кластер билан шартнома тузишга мажбурлиги; - кластернинг ҳудудда монопол мавқени эгаллаши ва рақобат муҳитини бўғиши; - кластерга аъзо фермерлар хўжалик-ларининг танлов ва тадбиркорлик эркинлиги қисман чегаралаб қўйилиши; - кластер ядроси бўлган фирма томонидан хомашё етказиб берувчиларга ўз шартларини мажбуран ўтказиш имконияти; - фойданинг катта қисмини интегратор фирма томонидан ўзлаштирилиши; - бошқарув аппарати кенгайиши, маъму-рий харажатлар ортиши, бюрократия элементлари кучайиши бошқ.
Opportunities - Имкониятлари	Threats - Хатарлар
<ul style="list-style-type: none"> - республикамизда кластерларни ривожлантириш бўйича ҳали ишга солинмаган резерв ва имкониятларнинг мавжудлиги; - мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва саноат усулида қайта ишлаш кластерларига давлат томонидан тақдим этилаётган кафолат ва имтиёзлар; - республикамиз озиқ-овқат саноатига марказлашган давлат ва хусусий инвестициялар жалб этиш ҳажмининг ортиб бориши; - кучли рақобат муҳити шароитида бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашаган фирмаларнинг ўзаро интеграциялашув асосида ҳамкорлик қилишга интилиши кучайиши 	<ul style="list-style-type: none"> - Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ва бошқа халқаро савдо тузилмаларига аъзо бўлишда республика озиқ-овқат бозорларида рақобат муҳитини кескин кучайиб кетиши; - озиқ-овқат маҳсулотларига қўйила-диган сифат стандартлари, техник, санитария, гигиеник, фитосанитария, ветеренария, экологик ва бошқа талаблар бўйича билим ва кўникмалар пастлиги; - маҳаллий давлат ҳокимияти орган-ларининг кластерлар фаолиятига асоссиз ва ортиқча аралашуви; - мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва тадбир-корлик эркинлиги кафолатларини ҳимоя-лаш тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги, коррупция элементлари мавжудлиги

Манба: муаллиф ишланмаси.

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан ва чуқур қайта ишлаш жараёнини кластер асосида ривожлантиришдаги бу муаммо ва салбий ҳолатларни эътиборга олиш ҳамда бартараф этишга тизимли ёндашув зарур.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш занжирида фаолият кўрсатаётган агросаноат кластерларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388-сонли Фармони ҳамда 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли қарорига мувофиқ 2018 йилнинг 1 апрелидан битта мева-сабзавот кластери ичида сотиладиган маҳсулотга қўшимча қиймат солиғи солинмаслиги ва давлатнинг мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар ундирилмайди.

Мева-сабзавот кластерлари иштирокчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш амалга оширилади, бунда маҳсулот етиштирувчиларни уч томонлама келишув иштирокчиси бўлган қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орқали айланма маблағлар билан таъминлаш, янги боғ, токзор ва иссиқхоналар барпо этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш объектларини яратиш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган 20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдорида кафиллик тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52-сонли “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорида мева-сабзавот маҳсулотларини кластер ва кооперация асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, бу соҳада янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Жумладан, 2022 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали:

а) фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга - мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга кредитлар ажратилади;

б) мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга - етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 12 ойлик “револьвер” кредит ажратилади. Бунда, ушбу кредит ҳисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

а) мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларига - экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган суғурта мукофотининг 50 фоизи, бироқ суғурта пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади. Бунда, суғурта пули хавф-хатардан суғурта қилинаётган ҳосил қийматининг 70 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас;

б) мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга) - хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ бир ойга 1 нафар мутахассис учун 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисми Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари орқали компенсация қилинади. Бунда, мева-сабзавотчилик кластерларига ўзига бириктирилган маҳсулот етиштирувчилар учун боғ ва тоқзорларни барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш бўйича семинар-тренинглار ўтказиш тавсия этилади;

в) мазкур бандда кўзда тутилган компенсация харажатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадаки, кластерларни шакллантириш услубиёти уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, кластерларни шакллантиришда уларнинг ташкилий-функционал тузилмасини тўғри шакллантириш муҳим саналади. Фикримизча, агрокластернинг ташкилий-функционал модели қуйидаги тузилмалардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

1. Кластер ядроси – якуний маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва унинг атрофида кластерни ҳосил қилувчи тузилмалар уюшадиган объект. Одатда у қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи ва чуқур қайта ишлаш билан шуғулланувчи саноат корхонаси бўлиши мумкин.

2. Кластер ядросини ўраб турувчи “тўлдирувчи объектлар (ички муҳит)” – улар кластер ядроси саналадиган қайта ишлаш корхонаси билан шартнома асосида стратегик ҳамкорлик қилувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, сақлаш омборхоналаридан ташкил топади.

3. Кластерга “хизмат кўрсатувчи объектлар” (ташқи муҳит) – кластер тузилмаларига моддий-техник ресурслар етказиб бериш ҳамда турли хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмалари, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда кластерлар фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш билан машғул маҳаллий, марказий даражадаги давлат бошқаруви органлари ва институционал тузилмалар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва саноат усулида қайта ишлашга ихтисослашган агрокластер фаолиятининг таклиф этилаётган ташкилий-функционал моделида қўшилган қиймат яратиш занжири 4 босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқичда фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳамда кластернинг ўзига бириктирилган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (хомашё) етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (хомашёни) етиштирувчи хўжаликлари кластернинг ядроси бўлган интегратор фирма (одатда қайта ишловчи саноат корхонаси) билан горизонтал ёки вертикал интеграция орқали шартномавий муносабатларга эга бўлади.

Иккинчи босқич кластернинг ядроси саналади ва бу босқичда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан шартномалар асосида етказиб берилган хомашё саноат корхонаси томонидан дастлабки ва чуқур қайта ишлаш жараёнларидан ўтади. Бу босқичда етказиб берилган хомашё тайёр маҳсулот кўринишига келтирилиб, қўшилган қиймат ортади.

Учинчи босқичда саноат корхонаси томонидан қайта ишланган ва тайёр маҳсулотга айлантирилган товарлар стандартлаш ва сертификатлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш, маркировкалаш ҳамда сотиш каналларига етказиб бериш (логистика) жараёнларидан ўтиб, қўшилган қиймат суммаси яна ортади.

Тўртинчи босқичда кластернинг дастлабки занжирларида яратилган тайёр маҳсулотлар сотиш тизимлари, яъни бозор, дўконлар, супермаркетлар, логистика марказлари, тайёрлов корхоналари ва бошқалар орқали якуний истеъмолчига етказиб берилади. Бу босқичда ҳам маҳсулотга маълум бир қиймат қўшилади ва буларнинг барчаси қўшилган қиймат занжирини ташкил этади.

Самарқанд вилоятидаги мева-сабзавотчилик кластерларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда кластернинг ядроси саналадиган қайта ишлаш корхонаси асосан масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) ёки хусусий корхона (ХК) сифатида фаолият олиб бормоқда. Қайта ишлаш саноат корхонаси ва кластерга бириктирилган фермер хўжаликлари юридик жиҳатдан мустақиллигини сақлаб қолган. Аммо ишлаб чиқариш технологик занжирининг барча босқичлари кластернинг ядроси бўлган қайта ишлаш саноат корхонаси томонидан бошқарилиб, назорат қилинмоқда. Жумладан:

- фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, парваришлаш ва хомашёни етказиб бериш жараёнлари;
- саноат корхонаси томонидан хомашёни саралаш, сақлаш, чуқур қайта ишлаш, қадоқлаш, сертификатлаш ва сотиш жараёнлари.

Аввалги тартиб бўйича давлат буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар шартнома асосида тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига ажратиларди. Ҳозир амалда бўлган тартибга кўра бу турдаги имтиёзли кредитлар кластернинг ядроси бўлган қайта ишлаш саноат корхонасига ажратилмоқда ва у фермер хўжаликларини уруғлик, кўчат, минерал ўғитлар ва бошқа моддий ресурслар билан таъминлаш, ер ҳайдаш, экинларга ишлов бериш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш каби хизматларни кўрсатмоқда. Бу ҳолатда бир қарашда фермер хўжаликлари моддий таъминот ва турли ишларни бажариш билан боғлиқ ортиқча ташвишлардан озод бўлгандек кўринади. Ҳақиқатда эса бу юридик шахс мақомига эга бўлган фермер хўжаликларининг хўжалик юритиш мустақиллигини чегаралаб, амалда уларни иккинчи бир юридик шахс мақомига эга бўлган қайта ишлаш корхонасига тобе қилиб қўймоқда. Шунингдек, молиявий маблағларга эҳтиёж юқори бўлган иш жараёнларида имтиёзли кредитларни фермер хўжаликларига йўналтирмаслик ишлаб чиқаришни молиялаштиришда қийинчиликларни юзага келтиради. Айниқса, ерларни экишга тайёрлаш, экинларни экиш ва парваришлаш, ҳосилни йиғиб олиш жараёнларини кластернинг эмас, ўз техникалари билан амалга оширадиган фермер хўжаликлари бундан зиён кўрмоқда.

Булардан ташқари кластерлар фаолиятининг амалдаги тизимида қуйидаги муаммолар мавжудлигига эътибор қаратиш жоиз:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли қарори 2-бандида ишлаб чиқарувчиларни кластерларга бириктириш ихтиёрийлик асосида, улар билан қайта ишловчи ҳамда экспортга чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек ҳокимият билан маҳсулот етказиб беришга тузилган шартномалар асосида амалга оширилади деб кўрсатилган. Аммо кўп ҳолатларда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан фермер хўжаликларини географик жойлашувидан келиб чиқиб бир ҳудуд доирасида барча фермер хўжаликларини битта кластерга мажбурий бириктириш ҳолатлари кузатилмоқдаки, бу ҳолат уларнинг энг мақбул кластерларни танлаш эркинлигини йўққа чиқармоқда. Бу эса бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бўлган тадбиркорлик ва танлов эркинлигига зид бўлмоқда;

- бир ҳудудда битта ихтисослашган кластер ташкил этиш унинг монопол мавқени эгаллашига ва рақобат муҳитини бўғишига олиб келмоқда;

- кластер ядроси бўлган фирма хомашё етказиб берувчи фермерлар маҳсулотларига паст, ўзи етказиб бераётган моддий ресурслар ҳамда кўрсатилаётган хизматларга эса юқори нарх белгилаш орқали фойданинг катта қисмини ўзлаштириш имкониятига эга бўлмоқда ва бу фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

- баъзан кластерлар томонидан фермерларга етказиб берилган хомашё учун пул ўтказиб бериш муддатлари асоссиз равишда чўзилиб кетмоқда. Бу эса фермер хўжаликларининг ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан ўз вақтида таъминлаши ҳамда тўлов қобиллигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кластерлар фаолиятини тартибга солишнинг амалдаги тизими бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келмайди. Кластер тузилмасига кирувчи барча фирмалар (қайта ишлаш корхонаси, бириктирилган фермер хўжаликлари ва бошқа тузилмалар) амалдаги қонунчиликка кўра мустақил юридик шахс бўлишига қарамай, фермер хўжаликлари қайта ишлаш корхонасига қарам хўжаликка айланмоқда. Мамлакатимиз қонунчилигида мавжуд фирмалар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг бирортаси (хусусий корхона, масъулияти чекланган жамият, тўлиқ ва коммандит ширкат, акциядорлик жамияти ва бошқ.) кластер тузилмасига мос келмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 декабрдаги 733-сонли қарори билан тасдиқланган “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом” фақат пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солади ва дончилик, мева-сабзавотчилик, гўшт-сут йўналишидаги кластерлар фаолиятига алоқадор эмас. Қолаверса, мазкур низом қонун кучига эга эмас ва унда “пахта-тўқимачилик кластери - бир ёки бир нечта ташкилотлар томонидан пахта хом ашёсини етиштириш ва (ёки) шартнома асосида сотиб олишдан уни, шу жумладан бошқа хўжалик субъектлари билан ҳамкорлик асосида чуқур қайта ишлаш жараёнларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш мажмуаси”, - деб таъриф берилган. Кўриниб турибдики, мазкур низомда кластерлар алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга тузилма сифатида эмас, балки мустақил юридик шахсларнинг шартномавий ҳамкорлиги сифатида талқин этилади.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан келиб чиқиб кластерлар фаолиятини мамлакатимиз қонунчилиги талабларига мослаштириш ҳамда тузилма таркибидаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг (қайта ишлаш корхонаси, фермер хўжаликлари, моддий

таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналари) ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли алоқаларини йўлга қўйиш учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. “Кластер тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ва унда кластерни алоҳида устав капиталига эга юридик шахс сифатида ташкил этиш, унинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ҳамда тугатилишининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, кластерни бошқариш органлари ва бошқариш тартиби, кластер тизимига кирувчи корхоналар ўртасидаги ҳамда кластернинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш шартларини аниқ белгилаб қўйиш.

2. Кластер устав капиталини унинг иштирокчилари (қайта ишлаш корхоналари, фермер хўжаликлари, моддий таъминоти ва хизмат кўрсатиш корхоналари) улушларининг номинал қийматидан шакллантириш.

3. Кластерда иштирокчиларнинг устав капиталдаги улушидан келиб чиқиб қарор қабул қилинадиган Бошқарув кенгаши ҳамда ижро аппаратини тузиш.

Агар кластер устав капиталига унинг иштирокчилари улуш киритса ҳамда улар устав капиталидаги улушига мутаносиб Бошқарув кенгашида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлса, кластер тизимидаги барча иштирокчилар манфаатларини эътиборга олиш имконияти яратилади. Бу эса юқорида келтирилгандек, хомашё етказиб берувчиларнинг эмас, қайта ишлаш корхонаси манфаатларини устун қўйилиши олдини олади ва қўшилган қиймат занжирида фойдани тўғри тақсимланига замин яратади.

Бизнингча кластер билан унга хомашё етказиб берувчи фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар шартномалар асосида йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда кластер томонидан фермер хўжаликларига етказиб бериладиган моддий ресурслар ҳамда кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек фермер хўжаликларидан харид қилинадиган хомашёга нарх белгилаш биринчи ўринга чиқади. Албатта маҳсулот ёки хизматни етиштириб (етказиб) бериш муддати, унинг сифати ҳам жуда муҳим масалалардан ҳисобланади. Демак шартномалар маҳсулотни (моддий ресурсларни, хизматларни) ўз вақтида етказиб бериш муддати, уларнинг сифати ва нархини барча учун мақбул тарзда инobatга олган ҳолда тузилиши ва амалга оширилиши жуда муҳим масала саналади.

Фикримизча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш кластерлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ўзаро тенг ҳуқуқлилиқ ва манфаатдорлик асосида олиб борилиши ҳамда қуйидаги шартларга мувофиқ келиши мақсадга мувофиқ: кластерларга аъзолик ва қайси кластерни танлаш масаласини деҳқон ва фермер хўжалиги мустақил ҳал этиши; битта ҳудудда битта кластернинг монопол мавқега эга бўлишига асло йўл қўймаслик.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган фикрлар, таклиф ҳамда тавсияларимиз иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида мева-сабзавотчилик тизимини ривожлантиришда кластер тизимини янада такомиллашиши учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”. www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. www.president.uz.

3. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Кластер>
4. Портер М. Конкуренция / Майкл Э. Портер; пер. с англ. Пелявского О.Л., Уриханяна А.П., Усенко Е.Л. и др.: под ред. Я.В. Заболоцкого, М.С. Иванова, К.П. Казаряна и др. – М.: Вильямс, 2006. – 256 с.
5. A Practical Guide to Cluster Development: A Report to the Department of Trade and Industry and the English RDAs by Ecotec Research & Consulting. – London: Department of Trade and Industry, 2004 [Electronic resource]. – Mode of access: <http://www.dti.gov.uk/files/file14008.pdf> (дата обращения: 12.03.2015).
6. Марков Л.С. Теоретико-методологические основы кластерного подхода. Монография. – Новосибирск: ИЭОПП СО РАН, 2015. – С. 6.
7. Зубова Т.А. Управление развитием региональных агропромышленных кластеров. Автореферат дисс. на соиск. учёной степени к.э.н. Воронеж-2018.
8. Глотко А.В. Инновационно-кластерное развитие АПК. Материалы межрегион. научно-практ. конф. с междунар. участием “Проблемы и перспективы государственно-правового, экономического и социального развития субъектов Российской Федерации” 3–4 октября 2008 г., Горно-Алтайский, РИО ГАГ.
9. Настин А.А. Формирование агропромышленного кластера в регионе. Автореферат дисс. на соиск. учёной степени к.э.н. Москва-2013.
10. Юсупов М.С. Агросаноат интеграцияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Инновацион технологиялар, 2015. - 364 б.
11. Porter, M. (1998). Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review. Available at: <http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of-competition/an/98609-PDF-ENG>.
12. Скворцов Е.Н. Формирование организационной структуры управления промышленным кластером. Дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. по спец. 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством (промышленность). Саранск-2016. – С. 23-24.
13. Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. Жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув шароитида мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2014. – 165 б.
14. Жураев Т.Т., Хамидов М.Э. Ўзбекистонда агрокластернинг ривожланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида тутган ўрни // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. № 2, апрел, 2019 й. -6 б
15. Götz M. The Industry 4.0 Induced Agility and New Skills in Clusters. Foresight and STI Governance, vol. 13, no 2, pp. 72–83. DOI: 10.17323/2500- 2597.2019.2.P. 72-83.
16. Щукина Л.В. Агрокластеры как инструмент обеспечения устойчивого инновационного развития сельского хозяйства региона // Вестник ГГТУ им. П.О. Сухого: научно - практический журнал. - 2014. - № 3. - С.97-104
17. Солиев А., Кодиров Х. Кластеризация экономики – важнейший фактор стратегического планирования. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. Т.: 2019., №1. 104-108 б.
18. Петухов Н.А. Региональные инновационные системы: проблемы кластерного развития / Н.А. Петухов // Управление инновациями и стратегия инновационного развития России. – М., 2007. - С. 91 – 98. www.eg-online.ru/article/404193.
19. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб-сайти. <https://www.agro.uz/agroklasterlar-va-kooperatsiyalar/#1627303540327-5870b9c2-be30>.